


Oila va jamiyat



№ 31 (1434)
7-AUGUST
2019-yil


Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqa boshlagan

@oilavajamiyatgazetasi_bot



Хар яхшини ёмони бор деганидек, бу борада ҳам, аммо дейишимизга тўғри келади. Шаҳарда 1,5 минг, 2 минг сўмдан сотилаётган ярим литр сувлар икки баробар нархда... Бу иссиқда қанчадан қанча одамнинг чанқоғини қондириш савоб, албатта. Лекин отасини нархини кўйгандек қилиб сотиш билмадим бу ҳолатни нима дейиш мумкин. »7

TEST JARAYONLARI KO'NGILDAGIDEKMI?



Мени уғилларим майда-чуйда ишларни қилмайди, деб қаршилик кўрсатганди. Мана ошхонадаги раковина бузилганига бир ойдан ошди. Эртдан кечгача чак-чак қилиб сув оқиб ётади. Нодира ошхонадаги сувни учириб, хаммомдан фойдаланишга мажбур бўлди. Идиш-товоқларни челақка ювиб, сувини кўчадаги ахлат яшигига тўкиб келади. Қизи бир-икки марта челақни балкондан тўккан экан, биринчи қаватдаги қўшни аёл чиқиб жанжаллашиб,

HUNARSIZNING ISHI UNMAS

●9



YIGIT ELNING ORIDIR

●4

Хохласанг кўшнимизнинг хотинига ухшаб Россияга бориб ишла, болаларингга мен қараб утираман, деганларига виждоним қайнаб, узим келавердим-да, дейди суксурдеккина жувон, чиқиндиларни кутига соларкан.

CHIROY OCHAYOTGAN MANZILLAR

●8

“Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ҳам салмоқли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

SEMIZLIKDAN QUTULISH MUMKINMI?

»11

MUROJAATLAR ORTIDAGI TAQDIRLAR

yoхud O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasiga
kelgan murojaatlar tahlili

Шу кунларда веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти жиддий муҳокама қилинмоқда. Хусусан, журналист ва блогерлар Қўмитага murojaatлар билан боғлиқ кўп таътирозларни билдиришяпти. Бу эътирозлар нечоғли асосли эканини аниқлаш мақсадида Қўмитанинг Жисмоний ва юридик шахслар murojaatлари билан ишлаш бўлими фаолиятини ўргандик. Айтиш керакки, биз кириб борганимизда мазкур бўлим хотин-қизлар билан гавжум эди...

Мурожаатлар сони нега камаймаяпти?

— Яқинда 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимида жисмоний ва юридик шахсларнинг murojaatларини кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини таҳлил қилдик, — дейди Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Унга кўра, жисмоний ва юридик шахслардан тушган жами murojaatлар сони 9146 тани ташкил этгани ҳолда, ўтган йилнинг шу давридаги билан таққослаганда, 2,9 фоиз кўпайган. Ҳисобот даврида murojaatларнинг 2094 таси ёзма, 1076 таси оғзаки, 367 таси шахсий қабуллар, 36083 таси 1146 қисқа рақами орқали йўлланган murojaatлар экани, 2058 таси электрон murojaat, 535 таси эса халқ қабулхоналаридан келиб тушганлигини маълум бўлди. Уларнинг катта қисми, яъни 2071 таси уй-жой масаласидир. 1433 таси ҳуқуқий муҳофаза сўраш, 1375 таси оилавий муаммоларга ечим излаш, 1115 таси моддий ёрдам олиш учун, 872 таси бандлик ва тadbirkorлик масаласига доир, 834 таси тиббий хизмат кўрсатиш тизими бўйича ва тиббий ёрдам олиш юзасидан, 733 таси мансабдор шахслар устидан шикоят тариқасида, 617 таси ижтимоий ҳамда 96 таси эса бошқа масалаларда баён қилинган.

Буларнинг барчаси юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги кун сайин охири бораётганини кўрсатади.

Энг кўп шикоятлар пойтахтликлардан тушади

Мазкур саволимизга Жисмоний ва юридик шахслар murojaatлари бўлими бошлиғи, ҳуқуқшунос Озода Исмолова шундай жавоб берди:

— Қўмитага келиб тушган ёзма murojaatлар сонининг ҳудудлар кесимидаги таҳлилини кузатсангиз, энг

кўп murojaat Тошкент шаҳри (390 та) ҳиссасига тўғри келишини кузатишингиз мумкин. Мурожаатларнинг 307 таси Қашқадарё вилоятидан, 290 таси Сурхондарё вилояти, 294 таси Наманган вилояти, 291 таси Хоразм вилояти, 196 таси эса Самарқанд вилоятдан келиб тушган. Ўтган даврда жисмоний ва юридик шахслардан 55 та такрорий murojaat ҳам кузатилди. Улар фуқролар муаммолари тўлиқ ўрганилмаганлиги, берилган топшириқлар ўз вақтида бажарилмаганлигини билдиради. Масалан, Тошкент шаҳридан 9 та, Қашқадарё вилоятидан 8 та, Сурхондарё вилоятидан 6 та, Наманган вилоятидан 8 та, Бухоро вилоятидан 4 та murojaat масъул ходимларнинг ўз ишига лоқайдлиги ту-



Наҳотки, шу масалани ечиш учун пойтахтга сарсон бўлиб келишимиз шарт бўлса. Муаммоларимиз ўз жойида ҳал этилса қанча асаббузарлик ва кўнгилсизликлар олди олинади.

файли такроран қўмитага жўнатилган.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди...ми?

— Айрим ҳудудлардаги раҳбарлар ҳар бир murojaat ортида инсон тақдири туришини баъзан унутиб қўйишди, — дея сўзида давом этади О. Исмолова. — Масалан, Сурхондарё вилоятининг Қумкўрган туманидан бир гуруҳ аёллар Қўмитага тadbirkorлик масаласида амалий ёрдам сўраб murojaat этишган. Қабулда ушбу масала вилоятда ҳал бўлиши тушунтирилиб, вилоят ХҚҚ раисига мазкур масалани назоратга олиш ва ижобий ҳал этиш юзасидан топшириқ берилган. Бироқ аёллар вилоятга боришганида қўмита раиси уларни қабул қилмаган. Фуқролар норози ҳолатда ўша куниёқ яна юк ташувчи поезд билан



Тошкентга эрталабки соат 5.00 да етиб келишган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси бўлган, айни пайтда Тошкент шаҳрида яшовчи Яминова Гулчеҳра қўмитага бир неча мартаба прописка ва уй-жой масаласида ёрдам сўраб murojaat қилган. Шу билан бирга, Яминова Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа бир қатор марказий нашрларга шикоят йўллаган. Қўмита раисининг шахсий қабулида бўлган. Мазкур murojaatни назоратга олиш ҳамда ўрганиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасига сўров хати юборилган. Аммо 2 мартаба юборилган назорат хати мутасадди ташкилот томонидан ўрганилмаган ҳамда ҳеч қандай маълумот ва қўшимча ҳужжатлар, далолатнома илова қилинмаган ҳолда қўмитага қайтариб юборилган.

ҳудудлардаги хотин-қизлар қўмиталари раисларига кескин чоралар кўрилмаса, такрорий murojaatлар кўпаймоқда. Эндиликда масъулиятсиз раҳбарлар қаттиқ жазоланади.

Саккиз ой овра бўлдим...

Биз murojaat билан келган юртдошларимизнинг ҳам фикрлари билан қизиқдик.

— Бир неча йилдан бери юрагим хаста, — дейди Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридан келган Наргиза Муродова. — Даволанишимга маблағ етмади. Керакли доридармонларни олиш учун murojaat қилмаган жойим қолмади. Саккиз ойдан бери сарсонман. Ҳокимиятга ҳам, вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарига ҳам дардимни айтдим. Бироқ баъзи раҳбарлар мени ҳатто қабул қилишмади. Қабул қилганларидан эса натижа бўлмади. Ва ниҳоят Республика Хотин-қизлар қўмитасига келдим. Бу ерда мени жуда яхши кутиб олишди. Ҳудди меҳмонга келгандек олдимга ширинликлар қўйиб, чой дамлаб ҳам беришди. Шукрим, қўмита кўмағида "Меҳр-шафқат" фонди менга ёрдам берадиган бўлди.

Жисмоний ва юридик шахслар murojaatлари бўлими етакчи мутахассиси Феруза Орипова суҳбатлашадиган murojaatchи Барно Кулматова эса бизга бир неча йиллар давомида ахлатхоналарда яшаб юрганлигини, қўмитага murojaat билан чиққанидан сўнг унинг аҳоли жиддий ўрганилиб, белул уй-жой билан таъминланганини кўзида ёш билан айтиб берди.

Хулоса ўрнида

Бугунги кунда эл-юрт тараққиёти, аҳоли манфаатлари таъминланиши йўлида фидоийлик билан иш олиб борган инсон одамлар орасида чинакам обрў-эътибор қозонади. Бир murojaat ортида бутун бир оиланинг, маҳалланинг келгуси тақдири жам бўлганлигини ҳис қилган раҳбар эса халқнинг эътирофига сазовор бўлади. Ҳозирча ана шу хулосалар билан сўзимизни яқунламоқчимиз.

Мухтасар **ТОЖИМАТОВА** тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги раҳбарияти ва Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси томонидан ўтказилиши режалаштирилган **оммавий сайёр қабул тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ва вазир ўринбосарлари республиканинг чегарадош ҳудудларида фуқролар билан тўғридан-тўғри очик мулоқотни

ISHGA MARHAMAT

кенгайтириш мақсадида жойларда оммавий сайёр қабуллар ҳамда уйма-уй юриш орқали муаммоларни ўрганиш ва бандликка кўмаклашиш масалалари бўйича 2019 йил 27 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Кудбиев томонидан тасдиқланган

2019 йил август ойида ўтказиладиган қабул жадвалига мувофиқ, Қашқадарё вилояти, **Ғузор тумани Қорақўп МФИ-да 2019 йил 9 август кuni вазирлик раҳбарияти томонидан оммавий сайёр қабул ўтказилиши режалаштирилган.**

Шунингдек, ушбу ўтказилаётган оммавий сайёр қабулда Қашқадарё

Эълон

вилояти ҳокимлиги, Ғузор туман ҳокимлиги, Қашқадарё вилояти ва Ғузор туман Халқ қабулхонаси, вилоят ва туман Ёшлар Иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари тақлиф этилган.

Ишга жойлашиш истагини билган ва меҳнат муносабатларига оид murojaat қилиш истагини билдирган фуқроларни ушбу сайёр қабулга тақлиф этамиз.

AJRIMLAR, MUAMMOLAR, YECHIMLAR...

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан ўтказилаётган “Маънавият фестивали” доирасидаги тадбирларнинг Сирдарё вилояти босқичида оила масаласига ургу берилди. Сирдарё вилоятининг туман ва шаҳарларида “Менинг оилам – маънавий бойлигим” мавзусида амалий семинар-тренинглар бўлиб ўтди.



Оила ва унинг мустақамлиги бағишланган ушбу тадбирнинг айнан Сирдарёда ўтказилиши ҳам беҳиз эмас. Чунки “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази берган статистик маълумотларга кўра, 2017 йил вилоятда 1095 та оилавий ажрим рўйхатга олинган ва бу 2016 йилга нисбатан (908) 21 фоизга кўп деганидир. 2012-2016 йилларда республика бўйича оилавий ажримларнинг ўсиш кўрсаткичи 58 фоизни, Сирдарё вилоятининг ўзида эса 83 фоизни ташкил қилади. Шу муносабат билан “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари: психологлар Жамила Шермухаммедова, Феруза Акрамова, Жавдат Пулатов, диний-қўмита вакиллари Хамидулла Жумадул-

лаев, Хуршид Бойхўрозов ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ходимлари “Оилада маънавий муҳитнинг аҳамияти” мавзусида семинар-тренинглар ўтказишди.

Айниқса, ажримлар сони бўйича энг катта кўрсаткичга эга ташкил этадиган Сайхунбод, Сирдарё, Оқолтин, Сардоба, Боёвут, Ширын, Янгиер, Ховос каби туман ва шаҳарларда оилавий ажримлар олдини олиш, ундаги маънавий соғлом муҳитни яратиш, келажак авлод онгига миллий қадрият ва анъаналаримизни чуқур сингдириш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилди. Носоғлом оилалар билан алоҳида ишланди, уларнинг дарди, муаммосига ечим топилди. Жумладан, Янгиер

шаҳридаги “Шодлик”, “Обод юрт”, “Наврўз” маҳаллаларида ўзаро низоли ажримдаги оилаларнинг бир қанчаси яраштирилиб, яхлит оила сифатида тикланди. Бу ажримларнинг сабаб ва моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, оилада носоғлом муҳитнинг мавжудлиги, ўзаро ишончсизлик, оиладаги доимий жанжал ва можаролар, учинчи шахс (қайнона, қайнота, қайсингил, қайнопа ва ҳ.к.)нинг аралашуви каби муоммолар оила деб аталмиш муқаддас кўрғоннинг дарз кетишига олиб келмоқда. Энг ачинарли шундаки, ажрим учун судга мурожаат қилаётган фуқароларнинг аксариятини 23-26 ёшлардаги оилалар ташкил қилмоқда. Уларнинг оила курганига эса уч-тўрт йилдан ошмаган. Тарғиботчилардан иборат ишчи гуруҳ вакиллари уч кунлик семинар давомида ана шундай муаммоли вазиятдаги 20 дан ортиқ оилаларни яраштиришди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида психологик мулоқот ўтказилди. Муаммоларига диний жиҳатдан ҳам ечим топилди. Чунки, инсон руҳияти, маънавиятининг таянч нуқтаси имон-эътиқодига бориб тақалади. Имонли

инсон қилаётган ҳар бир амали, айтаётган ҳар бир гапи учун буюк яратувчи олдида ҳисоб беришини ёдида сақлаб, инсонлар учун фақат яхшиликлар сари талпинади. Савоб умидида яшайди. Имом-хатиблардан иборат вакиллар “Ислом динида оиланинг ўрни” мавзусида маъруза қилишди.

Семинар давомида Республика Маънавият ва маърифат маркази “Маърифат” тарғиботчилар гуруҳи томонидан Сирдарё вилоятида турли жабҳада меҳнат қилиб, маънавий-маърифий ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 20 нафар фуқаролар “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолигига қабул қилинди. Уларга махсус гувоҳнома ва аъзолик кўкрак нишонлари топширилди. “Маънавий фестивали” доирасидаги бу каби маърифий тадбирлар, илмий-амалий семинар-тренинглар республикамиз худудлари бўйлаб давом этмоқда.

**Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА,
“МАЪРИФАТ” тарғиботчилар
жамияти матбуот хизмати ходими.**



INTERNETDAN FOYDALANISH MADANIYATI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази оила институтини мустақамлаш ва ривожлантириш, жамиятда замонавий намунали оила мезонларини жорий этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида республиканинг етакчи илмий-тадқиқот эксперт муассасаси ҳисобланади.

Ҳозирда марказ тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда соҳага тегишли бир қатор тадқиқотларни амалга оширди. Жумладан, яқинда “Болаларни уларнинг соғлиғи ва ахлоқига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари” мавзусида илмий-амалий тадқиқот ўтказиб, ўсиш йиллари ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган

куйидаги йўналишлар бўйича амалий чоралар белгиланди:

– болаларни уларнинг соғлиғи ва ахлоқига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

– болалар онгига ғайриқонуний ахборот руҳий таъсир кўрсатилиши, уларни ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборотлардан ҳимоя қилишга қаратилган дастурий аппарат ва техника воситаларини қўллашни жорий этиш;

– болаларда интернет ва мобиль алоқа воситаларидан хавфсиз фойдаланиш маданиятини шакллантириш, ахборот-телекоммуникация техно-

логиялари ёрдамида болаларнинг интернет ва интернет-ўйинларига тобе бўлиб қолиши ва флешбомларда иштирок этиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишларининг олдини олиш, ижтимоий тармоқларда тарқатилётган зарарли ахборотлардан огоҳ этиш;

– болаларни уларнинг соғлиғи ва ахлоқига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари ва фуқаролар иштирокини таъминлаш ва оммавий тарғибот ишларини амалга ошириш кабилар.

Эндиликда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда “Ёшлар му-

аммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш” институтининг “Ёшлар-келажакимиз” давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш юзасидан биргалликда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар дастури асосида “Ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ва уларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш муаммолари” мавзусида комплекс социологик тадқиқот ўтказмоқда.

Тадқиқотнинг бош мақсади – “Ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ва уларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш масаласини ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ҳамда муаммолар ечимига бағишланган аниқ таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш, назарий маълумотларни тўплаш, Ўзбекистоннинг турли худудларида ижтимоий сўровлар ўтказиш ва тадқиқот натижалари бўйича тегишли тавсиялар тайёрлаш ҳамда ёшлар билан иш олиб борувчи мутахассислар учун “Ахборотлашган жамиятда ёшларни ахборот истеъмоли маданиятини ошириш” номли қўлланма тайёрлаш, электрон китоб вариантини яратиш режалаштирилган.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ахборот хизмати.



YIGIT ELNING ORIDIR

(barcha toifadagi erkaklar albatta, o'qishsin!)

Маҳаллаларда аёллар даврасида ўтказилган маънавий-маърифий суҳбатлар чоғида учратганимиз – ой-куни яқин аёлнинг юзлари заъфарондек сарғайган, қадамлари бирам оғир, бўлаётган гап-сўзлар ҳам кўнглига сиғмайди. “Ҳа, аёл-а! Ширин жонини икки йўл ўртасига ташлаб, Аллоҳнинг иродаси билан қонидан, жонидан улашиб, “юк”ли бўлади, уни тўққиз ой юраги тубида асраб-авайлаб, дунёга келтиради, тунлари бедор, кунлари бор ҳаловатидан кечиб оёққа қўяди... Аёл зотининг мўъжизакорлиги, фидойилиги ҳам шунда-да аслида”. Шу хаёллар билан ўзини Муҳаббатхон, дея таништирган жувондан “нечанчингиз?” дея сўрашга жазм қилдим. “Олтинчиси” деган жавобни эшитиб, ҳайратдан сўз тополмай қолдим.

– Опажон, ўғил илинжида беш қиз кўрдик, – дейди аёл ўзини айбдор сезгандек, маънос кўзларини бир нуқтага қадаб. – Эрак зотининг кўнгли ўғил тиларкан-да. Зора, шуниси дадасига ҳам шерик бўлса. Боланинг жинсини аниқлаш учун ҳаракат ҳам қилмадик...

Қиз бола дунёга келса, давлатбоши, деб бир суюнсалар, ўғил туғилса, ўзбегимнинг оталари, яширишининг нима ҳожати бор, оналари, хонадон аҳли, яқинлари ҳам ўн суюниши бор гап. Ахир ўғилли уйнинг чироғи ўчмайди, дейдилар-ку. Қадим қадриятларимизда ҳам авлодлар шажарасини ўғиллар орқали белгилаганлар, гарчи, исломда қизлар ҳам насл-насабнинг давомчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилган бўлса ҳам. Бу хурсандчиликларнинг замирида ота-онанинг, эгачи-синглисининг пушти-паноҳи, хонадон аҳлининг таянчи, бува, бувижонларнинг-да суюнчи туғилди, деган умидбахш орзулар ушалгани акс этади. Пировардида соғлом, ориятли бўлиб улғайган ўғлонлар нафақат оиласининг, балки Ватанинг посбони, зирҳли қалқони бўла оладиларки, улар бутун эл-юртнинг ишончига айланадилар.

Аёлларни оилаларнинг чироғи, жамиятнинг энг фидойи кучи, қизларни миллатнинг бўлажак оналари, дея асраб-авайлаётган, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб беришга, ҳаётдан рози бўлиб яшашни учун шарт-шароит яратишга бош-қошлик қилаётган ким? Ватанимизнинг эртаси бугундан-да ёруғ бўлишига, тўқис ва соғлом болаликка, бахти бекам ёшликка, бағри бутун оналикка, эъзозли кексаликка, умуман, кучли давлатга, аёли қадрига етувчи жамиятга умид бахш этаётган ким? Албатта шу юрт ўғлони! Улар эл-юртнинг пушти паноҳи, аёл зоти – она, турмуш ўртоқ, она-сингли, қизлар юрагининг қуввати, суюнган тоғи, ишонган боғи. Бундай фазилат бутун вужудидан ёғилиб турган барча ўғлонларнинг боши тошдан бўлишини ҳамма бирдек тилаяпти. Аммо... юрт ўғлонлари ҳақида фахрланиб сўзлаш асносида айрим оналар, бекалар юраги наштардек ботаётган армонлар ҳақида битмакни ният қилдим. Зора бу, баъзи эркеклар қалбида мудраб ётган нафсониятни уйғотишга туртки бўлса.

Бугун қайси бозорга борманг, савдо-сотик билан асосан аёллар шуғулланмоқда. Хунармандлар, буюм бозорларини қўйинг, қолда, қанорда кўтаридиган махсуслотларнинг олиб-



сотилиши ҳам айрим “абжир” аёллар зиммасида қолди. Бу абжирлик уларга қимматга тушяптики, улар аёллик фазилатларини бой бериб, ибо пардасини улоқтириб ташлашяпти. Яна бир тоифа аёллар борки, улар эркекларнинг ориятсизлигидан оиладан узоқда, фарзандларга ташна бўлиб, пул топишга интиломқдалар. Санкт-Петербургда гипермаркетнинг чиқиндиларини тозалаётган аёл билан суҳбатлашиб, қалбига қулоқ тутаман. “Эрим ишсиз, сиз ҳам одамларга ўхшаб пул топинг, рўзгор қилинг, десам менинг борим шу. Хоҳласанг қўшимизнинг хотинига ўхшаб Россияга бориб ишла, болаларинг мен қараб ўтираман, деганларига виждоним қайнаб, ўзим келавердим-да, дейди суксурдеккина жувон, чиқиндиларни қўтига соларкан. – Ўғлим беш яшар, қизим учга қиряпти, уларни соғиниб, кечалари йўғлаб қиламан. Рус тилини билмай жуда қийналдим. Нима қилай, тирикчилик экан”.

Тирикчиликнинг тўрва халтасини бўйнига илган аёлнинг айтишича, янги кўчиб чиққан хонадонидан саккиз сотих томорқаси бор экан. Ахир шу ер тирикчилик манбаи эмасми?! Бундай имкон қаерда бор?! Қаловини топганлар бирикчи сотихдан ҳам яхшигина даромад топишяпти-ку! Эри шу ерга ҳам қарашини истамас, уззукун гузардан бери келмас экан. “У киши болаларга қандай қарайди”, деган саволимизга, “уларни ота-онамга қолдирганман” дейди аёл ер чизиб.

Яна бир, айтиш мумкинки, энг ачинарли тоифа эркеклар борки, улар яшашнинг мазмунини тўқис, мустақкам

моҳиятига чуқурроқ кирилса, ота ёки она меҳридан, назоратидан четда қолган болалар безорилик кўчасига кўпроқ қираккан ёки мойил бўларкан.

Шу ўринда бола тарбиясига кўпроқ масъул бўлган оналарнинг бўйнига турмуш “юки”ни ортиб, уларни уззукун бозорларга ёки хорижга чиқариб қўйган, бола тақдирини аро кўчага ташлаб, кўнгли кўчасида сармаст юрган оталарнинг нафсониятига ўт тушганми, дегинг келади. Ахир аёл йигитнинг ори, фарзанд гурури эмасми?! Арзимаган чойчақа учун ғаламис экстремистлар домига тушиб, имони, демакки, юртини сотмоқчи бўлган йигитлар кирдикорлари ҳам, аввало, отанинг, қолаверса, онанинг фарзанд тарбиясига беларво ёндошиши оқибатидан, албатта. Тунда кўчада сандирақлаб юрган, интернет-кафееларга ин қуриб олган болаларнинг ота-оналарини хушёрликка чақирувчи жамоатчилик, маҳалла мутасаддилари, маънавият-маърифат муассасалари, ёшлар ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳар доим ҳам мўлжални аниқ оляпти, деб айта олмастикнинг асослари етарли. Ахир рақамлар гапирди-да.

Ўзбегимизнинг маҳалланг – отанг-онанг, бир болага етти қўшни ота-она, деган ҳикматини нечун унутамиз? Сурнаймисол шим, ялтир-юлтур кўйлак кийган, сочтарашлари ҳам алламбало, муомалалари қиз болаларниқига ўхшаб кетадиган, ўтган-кетган қизларга тегажоглик қиладиган ўта бачкана ёки гилоф бандасидек ўз қобигига ўралиб олган йигитлар шундай безътиборликнинг аччиқ “мевалари”дир. Уларни учратганда, эссизгина бўлиб қолган, дейсан афсусланиб. Бундай йигитлардан қандай оталар чиқаркин, деб ўйлаб қолсан.

Мулоҳазалар моҳиятида ётган муддаони зукко муштарий фаҳмлаб олганлар. Эркаги ориятли хонадоннинг томидан чакка ўтмайди, аёли зорлани яшамайди, қаро кўз зурриёди ўзи ҳали чуқур англаб етмаган бекадрлик, бемехрлик, безътиборлик гирдобига рўбарў келмайди. Ўзбекона мард, умринг лаҳзаларини-да ҳавога соғурмайдиган, ориятли, нафсонияти, гурури уйғоқ ўғлон ўстираётган хонадоннинг эртаси умидли, ота-онаси, эгачи-синглиси бағри бутун. Бундай ўғлонлар юқорида айтилганидек, нафақат оиласи, балки элу юртнинг таянчи, суюнчи, ифтихори бўла оладилар. Нима бўлганда ҳам йигитнинг ори бўлсин! Ориятли йигитлар эса орият баланд оилаларда камолга етадилар. Бу назарий ва амалий исботланган ҳақиқат.

Яна бир ҳақиқат шуки, ўғил бола қалбига қадим аждодларимиздан мерос бўлиб ўтиб келаётган орият, дёнбат, нафсоният, гурури аталмиш энг улғу фазилатлар, аввало ота-она қонидан ниш уриб, билим ва тарбия даргоҳи, китобдек энг содиқ дўст имконидан куртак отиб, шаклланиб, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй, жамоатчиликнинг маънавий таъсирдан камолга етказилади. Йигити ориятли юртнинг тараққиёти бардавом, аёли бахтли, оиласи мустақкам, фарзандлари бағри бут ва комил бўладилар. Йигит элнинг оридир, деганлари шундан-да!

Хадичахон КАРИМОВА

O'ZBEKISTONLIK O'QITUVCHI AQSHda bog'cha ochdi



АҚШ пойтахтидан унча узоқ бўлмаган Виржиния штати Уолтер Рид кўчасида мўъжазгина болалар боғчаси мавжуд. Ўзбекистонлик ўқитувчи Наргиза Курязова томонидан очилган бу болалар муассасасига фарзандларини олиб келишни истagan ота-оналар талайгина. Наргиза билан унинг АҚШга келиб қолиши сабаблари, хусусий боғча очиб жараёнлари, ҳар икки давлат таълим тизимидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашдик.

– Наргиза, ўзингиз ҳақингизда бироз маълумот берсангиз...

– Асли Хоразм вилояти Гурлан туманиданман. АҚШга келгунга қадар туманимиздаги ихтисослашган мусиқа мактабида фортепиано йўналишида ўқиганман. Ўқишни битиргач, мусиқа ўқитувчиси дипломи билан туманимиздаги ўрта мактабда икки йил мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишладим. Хорижий тилларни ўрганиш иштиёқи ҳам юқори бўлгани учун ҳужжатларимни Урганч давлат университетининг роман-герман филологияси факультетига топширдим ва ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Университетни тугатгач, инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият юритганман.

– АҚШга келиш тарихингиз қандай кечди?

– АҚШга оилавий сабабларга кўра келганман. Келганимга ўн йил бўлди. Мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб юрган кезларимда, онамнинг соғлиқлари ёмонлашди. Оиладаги тўнғич фарзанд сифатида масъулиятни бўйнимга олиб, онамни даволатгани Россияга олиб бордим. Даволаш курслари узоқ давом этди ва биз Россияда анча вақт қолиб кетдик. Шу пайтлари АҚШдан иш юзасидан Россияга кел-

ган бўлажак турмуш ўртоғим билан танишдим. Турмуш ўртоғим ҳам асли ўзбекистонлик. Муҳаббат ришталарини оила билан боғладик. Маълум вақт ичида турмуш ўртоғим билан АҚШга, онам билан укам эса Ўзбекистонга қайтишди. Яширмайман, аввалига АҚШга боргим келмади. Турмуш ўртоғим 20-30 йиллардан бери АҚШда истиқомат қилаётган ўзбек оилаларидан. Бу эса менга ҳам бир умр шу ерда қолиб ке-

тиш дегани эди. Оиламни, Ватанимни ташлаб, бир умрга янги юртларга кўчиб кетиш фикри мени аввалига чўчитди. Лекин вақт ўтиши билан янги шаҳарга ҳам мослашдим. Аммо Ўзбекистонга – она юртимга тез-тез бориб тураман.

– АҚШда хусусий боғча очишининг ўзи бўлмайди, албатта. Бу гоёни сизга ким берди?

– Инглиз тили филологиясини битирганим, педагог сифатидаги тажрибам кўл келди. Бироз муддат ўрта мактабда ўқитиб бўлиб ишладим. Ишхонамга қатнаб ишлаш узоқлик қилгани учун, турмуш ўртоғим уйдан боғча очиб тақлифини берди. Она бўлиш арафасида юрган мендек аёл учун бу тақлиф маъқул келди. Уйда ўтирган ҳолда педагог сифатида фаолиятимни давом эттиришим чиндан ҳам қулай эди. 2014 йилда 12 болага мўлжалланган кичик боғчани ташкил қилдим. АҚШ қонун-қоидаларига кўра, уйда хусусий боғча очсангиз, узоғи билан 12 нафар бола олишингиз мумкин бўлади. Лекин вақт ўтиши билан боғчамизга талабгорлар кўпайди. Шу муносабат билан яқинда уйимиздан сал бериқоқда иккинчи яна бир қўшимча боғча очдик. Янги боғчамизда 40 нафар бола бор.

– АҚШда тадбиркорлик фаолиятини юритишга қандай баҳо берасиз?

– Бу ерда тадбиркорлик фаолиятини эркин юритишга тўсқинлик қилувчи



ортиқча омиллар йўқ. Фаолиятингизда хато ва камчиликлар бўлса, мутахассислар, энг аввало, ишингизни тўғри йўлга қўйиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатади.

– Ҳар икки давлатнинг таълим тизими ҳақида-чи, нима дея оласиз? Қандай ўзига хос жиҳатлари мавжуд?

– Биринчи ўринда боғча ва мактабларнинг молиявий жиҳатдан таъминланганлик даражаси яхши. Бу ерда

таълим муассасалари ўқув қуроллари, жиҳозлари, адабиётлар билан яхши таъминланган. Келажакда она юртимга қайтиб, Ўзбекистондаги мактабларни қўлдан келганча молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳисса қўйиш ниятим бор.

Яна бир ўзига хос жиҳати, таълим-тарбия олиб боришдаги методикасида. Ўзбекистонда, таълим-тарбия бошқа МДХ давлатларидаги каби анъанавий метод, яъни қатъий интизомга асосланган маълум бир тартиб қоидалар асосида олиб борилади. Бу ерда эса ўқувчиларга ҳар жиҳатдан эркинлик берилди. АҚШда кўпгина таълим муассасаларида таълим беришининг Монтессори методиде ишлайдилар. Бунда асосан ўқувчининг қобилиятларини кашф этиш, имкониятларини шакллантириш, эркин фаолият юритиш, мустақил қарор чиқариш, умуман шахс сифатида ривожлантириш мақсади бор. Бу методда болаларга таълим бериш эса, энг аввало, уларга ҳар томонлама эркинлик беришдан бошланади. АҚШда, масалан, бола боғчада ухлагиси ёки таомни егиси келмаяптими, мактабда бола маълум бир кийимни кийгиси келмаяптими, уни мажбурлаш йўқ. Дарс жараёнлари мисолида айтсак, масалан, расм дарсида мавзу дарахт чизиш бўлса, Ўзбекистонда ўқитувчилар, аввало, ўзи ўзлари чизиб бериб, намуна кўрсатади. АҚШда эса аксинча, бола дарахтни қандай тасаввур этса, шундай чизишга йўл қўйиб берилди.

– Сиз қайси метод асосида таълим бераёсиз? Ўзбекистондаги каби анъанавий йўналишдами ёки АҚШда урф бўлганидек Монтессори методидами?

– Монтессори методининг ҳамма жиҳатларига ҳам қўшилмайман. Фикримча, болани тартиб-интизомга солиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туриш зарур. Шу нуқтаи назардан айтганда, боғчамизда ҳам анъанавий, ҳам Монтессори методи асосида иш олиб борамиз. Болаларни боғчада имкон қадар эрта тувалка ўтиришга, мустақил овқат ейишга, дастурхон атрофида ўзини тутишга, умуман тартиб-қоида, интизомга ўргатишга интиламиз.

– Ўзбекистонда фаолият юритаётган ҳамкасбларингизга нима деган бўлар эдингиз...

– Ўзбекистон ва АҚШ таълим муассасаларида ишлаган, ҳар икки давлатнинг таълим тизимини кўрган педагог-тарбиячи сифатида айтишим мумкинки, юртимиздаги ҳамкасбларимга таълим-тарбия жараёнида ўқитишининг интерактив фаол усуллари, қизқаргли ўйин ва машқлардан кўпроқ фойдаланишлари, умуман янги-янги таълим методларига кўпроқ мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА
uz.uz

INNOVATION MAKTABDA UCHRASHUV

Юнусобод тумани "Оила" ИАТМ раҳбари, туман ФХДЁ бўлими мудираси, худуд отинийси ҳамкорликда "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"нинг битирувчилари билан суҳбат ўтказишди.

Суҳбат чоғида ёшлар томонидан фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билдирилди.

– Мактабда ўқиш пайтида жуда кўп билимга эга бўлдик, аммо ўқув соатлари камроқдек назаримда, – дея фикр билдирди иштирокчилардан бири Мирҳосил Холиков.

Азизбек Аҳмедов эса, эр-хотиннинг ўзаро муносабати, исломда ниҳонинг ўрни, талоқ оқибатлари, оила бюджети масала-

лари юзасидан кераклича маълумотлар олгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Сардор Касамов ҳам бу мактаб янги бунёд этилаётган оиладаги ёш келин-куёвларга тўғри қадам қўйишни ва масъулиятни ҳис қилишни ўргатади деган фикрда.

Бу эса бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактабларда таълим олишга фойдадан холи бўлмаслигини билдиради.

Ўз мухбиримиз

ЭЪЛОН

Сергели туманида ташкил этилган "TRADE CARBO" масъулияти чекланган жамияти тугатилаётганлиги сабабли фаолиятини тўхтатмоқда.

Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: 97-740-87-47, 99-876-52-45.



Sharof Boshbekov:

LOTIN ALIFBOSIGA O'TISHNI

Саводсизлик, ажнабий сўзларнинг кўпайиб кетишининг асл сабаблари ва "Давлат тили ҳақида"ги қонун амалда ишламаётгани ҳақида драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шароф БОШБЕКОВ шундай дейди:

– Ватанпарварлик она тилига муносабатдан бошланади. Кўчадаги ажнабий ёзувлар, имловий хатолар кейинги масала. Аввало, "ўз томорқамиз"даги саноқли тартибга солиб олишимиз керак. Тилшунослик, адабиётшуносликка оид атамалар, масалан, морфология, синтаксис, сюжет, драма, очерк, композиция, антоним, синоним ва бошқалар рус тилида қандай бўлса, ўзбек тилига ҳам шундай кўчирилган. Ўша пайтдаги "умуртқасиз" олим-тилшуносларимиз бу атамаларнинг ўзбекча муқобили ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган. Ваҳоланки, яхшилаб фикр қилинса, бу сўзларни бемалол ўзбекчага ағдарिश мумкин: масалан, синоним – маънодош сўзлар, антоним – зид сўзлар ва ҳоказо.

Лекин ота-боболаримиз ишлатмаган, техник тараққиёт натижасида кейинчалик кириб келган сўзлар – аэропорт, самолёт, вокзал, вагон, паровоз, велосипед, купе каби сўзларни шундайлигича қолдирган маъқул.

Юртимизда қанча газета, журнал лотин алифбосида нашр қилинапти?


"Ma'rifat", "Tong yulduzi" газеталари, "Gulxan", "G'uncha" журналлари каби саноқли босма нашрлар лотин алифбосида нашр этилади. Демак, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан беҳабар ёшларнинг яқинда, 2 сентябрь кuni, тўртинчи авлоди мактаб остонасига қадам қўяди. Газета ўқимайдиганлар авлоди. Дунё беҳабарлар авлоди. Бу шўрликлар тагин кириллни ўрганмоққа мажбур бўлмоқда ёки "онанг бозор, отанг бозор" дегандай савдога ўтиб кетиб, бола-чақа боқмоқда.

Тил ҳақидаги қонунда кўрсатилганидек, лотин алифбосига ўтиш масаласи аччиқ ичкадай қўзилиб ётибди. Бунга ким айбдор? Ўтган асрнинг 80-йилларини эсласизми? Ўзбек тилини давлат тили, деб эълон қилиш тарафдорлари билан "қўшиллик"ни ёқлаб чиққанлар ўртасида аёвсиз муҳораба кечаётган пайт. Охир-оқибат "қўшиллик" тарафдорлари шармандаларча мағлуб бўлиб, тарихий адолат қарор топди. "Йиқилган курашга тўймас" деганларидек, қарши томон вақти-вақти билан бош кўтариб турибди. Улар унутгани йўқ. "Хўп, ўзбек тилига давлат тили мақоми ҳам берилди, оқибат нима бўлди? Баттар бўлинлар!" деб устимиздан куляпти. Бу аламзада кучларнинг илдири нихоятда бакуват, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ўзлари истаган томонга буриб юбормоқчи бўладилар ҳатто.

Бутун жамият ҳукуратимиз раҳбариятидан кескин чоралар кўришини кутаяпти. Лотин алифбосига бутунлай ўтиш катта харажатлар билан боғлиқ юмуш, дейдиганлар бор. Лекин замон ўзгарди. Ҳозир илгаридегай битталаб қўлда кўрғошин харфлар териш шарт эмас, ҳаммаси компьютерушар. Нашриётга кучоқ-кучоқ қўлёмалар топширишга ҳам ҳожат йўқ, асарингизнинг ҳажми қанча бўлишидан қатъи назар, уйингизда ўтириб, нашриётнинг электрон почтасига жўнатасиз – бўлди. Фақат лотин алифбосининг (қайта ишланган муқобили) компьютер учун мослаштирилган дастури керак бўлади, холос. Уч ойми, бир йилми, аниқ муҳлат берилиши лозим. Шундан

zudlik bilan hal qilinishi kerak

Сўнги вақтларда кўчалардаги айрим маиший рекламалар, пешлавҳаларга кўзимиз тушганида ажабланмай кўйдик. Хатоларга, ажнабий сўзларга кўз юмадиган бўлдик. Охир-оқибатда қаердасан, деган саволга "EVOS" дамани, "UNIFORMA" магазинидаман" деб жавоб берадиган бўлдик.



кейин кирилл алифбоси қонундан ташқари, деб эълон қилинмоғи керак. Барча газета-журнал тахририятлари, нашриётлар, идоралар, ҳукумат ҳужжатлари, хўжалик субъектларида иш юритиш лотин алифбосида бўлиши қатъий белгилаб қўйилиши лозим.

Мамлакатимизда саводхонлик масаласини қониқарли, деб ҳисоблаш мумкинми? Россияда "рус тилини химоя қилиш" жамияти бор. Ўз-ўзидан намадан химоя қилиш керак, деган савол туғилади. Ажнабий сўзлардан. Менимча биз "химоя қилиш"га кечикдик, энди ўзбек тилини "қутқариш" жамияти тузиш керак бўлиб қолди, чамамда. Бечора тилимиз чет эл сўзлари ботқоғида чўкиб бўлди. Фақат қулоғи кўриниб турибди, холос. Зудлик билан чора кўрилмаса, қулоғи ҳам кўринмай кетади.

Яна бир масала – оммавий саводсизлик. Мен тахминан ўн минг одамни танисам, шундан нари борса, 20 одамни саводли, деб биламан. (Ўзимни ҳам бу рўйхатдан ташқарида, деб ҳисоблайман.) Булар кимлар? Бутун умр газета-журнал тахририятларида, нашриётларда қозғонинг чангини ютиб ишлаганлар. (Ваҳоб Рўзматов, Маҳмуд Саъдий каби.) Қассоб, механизатор, соғувчи, уй бекаснинг саводи ҳақида гапирмаяпман, зиёли – ижодкорлар, олимлар, ёзувчи-шоирлар, мамлакатимиз илгор ойдинлари ҳақида сўз борапти. Исталган касбдаги исталган одамга матн бериб кўринг – ўқиймайди. Ёзишни-ку қўяверинг. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: "Коллежни битириб чиққан болалар ишга кириш учун ариза ёзишолмайди" деганида нақадар ҳақ эди. Барча рус мактабларида ўзбек тили дарси ўтилади. Лекин биронта рус ўқувчиси ўзбекча билмайди (агар унинг миллати ўзбек бўлмаса). Демак, тилни китобдан ўрганиб бўлмас экан.

Демак, дарсликнинг ўзи чатоқ. Бунинг сабабини қидираман. Хаёл узок-узок йиллар олдинга етаклайди... Октябрь тўнтариши...

Саводсизликни тугатиш йиллари... Коллективлаштириш... Челябинскнинг бир олис қишлоғида дарс қандай ўтилса, Чиноздаги қишлоқда ҳам шу тарзда, шу услубда ўтилади: ўқитувчи синфга киради, саломлашади, йўқлама қилади, бир-икки боладан ўтган дарсни сўрайди-да, янги дарс бошлади. Араб, япон, корейс, немис мактабларида қандай дарс ўтилади – ҳеч ким қизиқмайди ҳам.

Мен "Шифо-инфо" номли тиббий газетига раҳбарлик қиламан. Университетнинг филология ёки журналистика бўлимини битирган йигит-қизлар бизга иш қидириб келади. Диктант ёздириб кўраман. Матнни шундай тузаманки, орасида "Президент" деган сўз албатта бўлади. Ишонасизми, талабгорларнинг 96 фоизи шу сўзни хато ёзади. Ёрдамчиларимга: "Президент" сўзини бехато ёзганини ишга қабул қилаверинглар, қолгани бундан ҳам баттар" дейман. Уят эмасми? Дарс бераётган домлаларига уят. Улар учун ҳам сиз уялиб кетасиз. Амалиёт ўтагани келган қизчамиз "албатта" сўзини икки томондан вергул билан ажратяпти. Сабабини сўрасам, "билмадим, бизга шундай ўргатишган" дейди. Анча йилдан сўнг амалиёт ўтагани бошқа қиз келди. У ҳам "албатта"ни икки томондан вергул билан "кишанлаб" ташлар экан. Биродарлар, мендай саводсиз, оми одамга "албатта"ни нима учун икки томондан вергул билан ажратилишини тушунтириб беринглар. Ахир, гапнинг маъносига қараб вергул қўйиладиган жойи бўлади, қўйилмайдиган жойи бўлади-ку?!

Бизга муаллимларимиз: "Тиниш

белгиларини увол қилма, кўр бўласан" деб миямизга қўйишган. Айрим нуфузли газета-журналлар тахририятларида ҳам бунга риоя қилинмайди. Масалан, "Эргаш нима бўлса бўлар", деб ўйлади. Бу мисолда тиниш белгилари нотўғри ишлатилган. Кўчирма гап қўштирноққа олинса, "деб" сўздани олдин вергул қўйилмайди. Гапда қўштирноқ бўлмаса, вергул ишлатилади. Тўғри ёзилиши қуйидагича бўлади: "Эргаш нима бўлса бўлар" деб ўйлади. Ҳам вергул, ҳам қўштирноқ ишлатилса, муаллим айтганидек, кўр бўп қолиш мумкин.

Илгари ёзувчиларнинг саводли машинисткалари бўлган. Улар асарларини айтиб туриб ёздирган. Кўпчилик ёзувчилар бу ишга аёлини жалб қилган. Улар матнни бехато кўчирган. Кўп ёзувчиларни ёзувчи қилган аслида ўша машинисткалар. Кекса авлод ёзувчиларини тушуна бўлади – араб ёзувида савод чиқарган, кейин лотинга ўтилган ва, ниҳоят, кирилда талаб қилинган. Оқибатда савод ҳам "ўзимиз қатори" бўп қолган.

Хулоса қиламиз. Лотин алифбосига ўтиш масаласини зудлик билан ҳал қилиш керак. Чунки лотинда ўқиганларнинг яна бир авлоди мактаб эшигиндан мўралаб турибди.

Биз мактабда ўқиган вақтда "хуснихат" деган дарс ўтилар эди. Махсус дафтарлар бўларди, каттаклари тўлдириб-тўлдириб ёзиларди. Умуман, дафтарлар уч тоифа бўлар эди: каттак дафтар (арифметика учун), ёзув дафтари (она тили учун), хуснихат дафтари (чиroyли ёзиш учун). Шу дарсни мактабга қайтариш керак. Чунки хуснихат чиройли ўқувчи камроқ хато қилади. Бу фан нанки мактабда, балки олий ўқув юртларида, аспирантура ва докторантураларда ўқитилишини таъминлаш лозим. (Айниқса, тиббиёт билим юртлари ва институтлари учун фойдадан холи бўлмасди.)

Саводни кўпчилик менсимайди. Ваҳоланки, инсон фаолиятидаги барча сиёсий-ижтимоий ҳодисаларга саводга боғлиқ. Ҳатто мамлакатлар ўртасидаги урушлар ҳам. Лотин алифбосига қаршилларнинг озгина саводи бўлганида эди, дунёдаги кўпчилик тиллар лотин алифбосига асосланганини, келажакнинг техник асоси бўлган компьютер тили, тиббиёт тили, биология, анатомия тили эканига ақли етган бўларди.

Мен саводни ички кийимга ўхшатаман. Уни ҳеч ким кўрмайди, лекин унингсиз сира илож йўқ. Ўз уст кийимни кўз-кўз қиламиз, мақтанамиз. Саводли бўлсангиз, исталган даврда ўзингизни эркин тутиб ўтирасиз. Физиклар давраси бўладими, археологлар давраси бўладими, тортиб-қимтиниб ўтирмайсиз. Эҳтимол, сиз Ломоносовнинг моддалар сақланиш қонунини билмасиз, лекин тире билан дефиснинг фарқига борасиз. Бошқалар дефис нима, тире нима билмайди. Сиз билсангиз. Эҳтимол, сиз ампер билан вольтнинг фарқига бормасиз, лекин сиз қавс билан қўштирноқнинг фарқига жуда яхши борасиз-да.

Саводли одам кўп китоб ўқийди. Машина совға қилишмаса ҳам ўқийверади. Кўп китоб ўқиган кишини биз "ўқимшли одам" деймиз. Ўқимшли одам маданиятли бўлади. Маданиятли одам қонунни бузмайди – ўз-ўзидан жиноятчилик қилади. Ўқимшли одам масъулиятли ҳам бўлади.

Хуршид ҚОДИРОВ

ёзиб олди

oilavajamiyat@mail.ru

Test jarayonlari ko'ngildagidekmi?

Юртимиздаги олий ўқув юр்தларига кириш имтихонлари 29 июлдан бошланди. Бу йил тест синовларига қатор ўзгартиришлар киритилгани топширувчилар сонига ижобий таъсир кўрсатди. Жараён бошланди ва қизгин давом этапти. Натижалар эса бир кундан кейин давлат тест марказининг расмий сайтида эълон қилинмоқда. Эълонда фақатгина тўпланган баллар ёзилган, талабалikka қабул қилинган ёки қилинмаганлиги эса имтихон бутунлай яқунланган маълум бўлади.

имтихонга кузатишар экан кимдир дуо қилган яна кимдир, боласини юз-кўзларидан ўпиб кучоқлаган.

Ўқувчилар бинога киргизилиб, жойлаштирилди. Соат учга яқин тест китоблари тарқатилиб, катта экран орқали фарзандларини кузатиб ўтирган ота-оналарнинг диққати ортди. Шундай ҳаяжонини яширолмаи, кўзларида кўрқув, тилида дуо айланаётган Насиба Абдурахмонова исмли Янгийўл туманидан келган аёлни суҳбатга тордик:

— Қизим бу йил учинчи марта топширяпти. Утган икки йилда ҳам имтихонларига келолмагандим. Мана

одам Куръон тиловат қила бошлади. Имтихонда тест ишлаётганларни эсон-омон чиқсин (худди улар урушга киргандек), яхши жавоблар билан юзлари ёруғ бўлсин, дея тақоррларди.

Тестга кирган қанча абитуриент бўлса шунча умидвор ота-оналар бор, ҳар бири яхши ният билан атаганларини чиқаришди (бундай вақтларда ота-оналаримизни кўзига пул кўринармиди, яхши ният қилиб кўп пул берадиганлар ҳам бор эди.). Мана сизга тижорат-у ана пул топишнинг осон йўли... Бу "мулла" амакимиз ҳар имтихоннинг икки босқичида шундай дуо қилиб ота-оналардан пул йиғса, имтихондан сўнг битта автомобил олса ажабланмаймиз. Атрофдаги ички ишлар ходимлари шу каби ҳолатлар олдини олишса яхши бўлармиди?

Сувчиларнинг бозори қайнади

Шунча одамнинг чанқоғини босишни ўзи бўладими, атрофда ичимлик суви ва газли сувлар сотиладиган шохобчалар кўп. Ҳар яхшининг ёмони бор деганидек, бу борада ҳам, аммо дейишимизга тўғри келади. Шаҳарда 1,5

Қанча абитуриент ҳужжат топширган?

Давлат тест маркази маълумотларига кўра, республика бўйича жами 60 та олий таълим муассасалари ва уларнинг 30 та филиалларига 1 млн. 66 минг 925 нафар абитуриентлар ҳужжат топширган.

Шундан кундузги таълим шаклига - 718 097 нафар, кечки таълим шаклига - 13 821 нафар, сиртки таълим шаклига - 335 007 нафар абитуриент рўйхатдан ўтди.

Энг кўп ҳужжат топширилган олийгоҳ қайси?

Абитуриентлар томонидан энг кўп танланган олий таълим муассасаси Самарқанд давлат университети бўлиб, бу ерга 74 минг 377 нафар абитуриент ҳужжат топширган. 45 минг 977 нафар абитуриент танлаган Андижон давлат университети иккинчи, Қарши давлат университети эса 44 минг 676 нафар абитуриент билан учинчи ўринда қайд этилган.

Танлов кўрсаткичи энг юқори бўлган олий таълим муассасаси (биринчи сифатида танланган таълим йўналишига нисбатан, бир ўринга) эса Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали (29,47) бўлди.

Абитуриентлар ёши чегараланганми?

Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш 90 та олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ва 201 та Давлат таълим марказларида 4500 дан ортиқ операторлар томонидан амалга оширилди.

Бу йилги қабул жараёнида энг ёш абитуриент 14 ёши (14 ёш 212 кун), энг ёши катта абитуриент 87 ёши (87 ёш 182 кун) ташкил этди.

Энг юқори балл

Имтихон бошланганидан буён, шу кунга қадар Ўзбекистон миллий университетининг математика йўналишига ҳужжат топширган абитуриент 181,6 бални тўплагани кўпчилиқка маълум. Сиртки таълим шакли бўйича эса Қарши давлат университетининг Информатика факультетига ҳужжат топширган абитуриент етакчи — у 136,6 балл йиға олган. Кечки таълим йўналишида эса Самарқанд давлат университетининг амалий математика ва информатика факультетига ҳужжат топширган абитуриент энг кўп балл — 135,8 балл тўплаган.

Имтихонга келмаганлар ва четлаштирилганлар

Тест синовлари бошланганидан

Республика бўйича жами 1 млн. 66 минг 925 нафар абитуриентлар ҳужжат топширган.

Энг кўп ҳужжат топширилган олийгоҳ Самарқанд давлат университети бўлиб, бу ерга 74 минг 377 нафар абитуриент ҳужжат топширган.

Бу йилги қабул жараёнида энг ёш абитуриент 14 ёшни, энг ёши катта абитуриент 87 ёшни ташкил этди.

шу кунга (4 августга) қадар турли сабабларга кўра имтихонга келмаганлар сони 6036 нафарни ташкил қилаётган бўлса, тест синовлари қоидаларини бузганлиги сабабли 145 нафар абитуриент четлаштирилди.

Жараённи бевосита кузатдик

Имтихон жараёнлари ҳақида турли маълумотлар-у расмлар ижтимоий тармоқларда жуда кўпайиб бормоқда. Шундай бўлса ҳам жараённи ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Юнусобод тумани, Амир Темур кўчасидаги "Ўзэкспомарказ" миллий кургазмалар мажмуаси томон йўл олдик.

Соат бирдан ўтган, атрофда тумонат одам. Кўзлари ҳаяжонга тўлган абитуриентлар, уларини кўярга жой тополмай ўқдан бу ёққа юришяпти. Кимдир кўлидаги ДТМ қоғозини буқлаган, асабийлашаётган яна бири оёғи остидаги тошларни тепар, яна бошқаси ичида пичирлаб бир нималарни қайтармоқда. Бу ҳолатни кузатиб туриб ўзим ҳам ҳаяжонлана бошладим. Бироздан сўнг бирин-кетин абитуриентларни текшириб имтихон залига киргиза бошлашди. Ҳар бир абитуриентнинг оиласидан камида иккита одам келган. Уларни

“**Ҳар яхшини ёмони бор деганидек, бу борада ҳам, аммо дейишимизга тўғри келади. Шаҳарда 1,5 минг, 2 минг сўмдан сотилаётган ярим литр сувлар икки баробар нархда... Бу иссиқда қанчадан қанча одамнинг чанқоғини қондириш савоб, албатта. Лекин отасини нархини кўйгандек қилиб бу ҳолатни нима дейиш мумкин.**”

олишган (чўзилиб ётиб олганлари ҳам бор). Менимча абитуриентлар ортидан келган яқинлари учун шароитларни янада яхшилаш зарур.

Кимдир пул топиш билан банд

Имтихон бошланганидан чамаси бир соатлар ўтиб оломон орасида бир

Энг юқори балл Тошкент молия институтининг "Иқтисодиёт" таълим йўналишига ҳужжат топширган 3 нафар абитуриент 189,0 баллни тўплаган.

Имтихонга келмаганлар тест синовлари бошланганидан шу кунга (4 августга) қадар турли сабабларга кўра имтихонга келмаганлар сони 10912 нафарни ташкил қилади.

Тест синовлари қоидаларини бузганлиги сабабли 233 нафар абитуриент четлаштирилди.

минг, 2 минг сўмдан сотилаётган ярим литр сувлар икки баробар нархда... Бу иссиқда қанчадан-қанча одамнинг чанқоғини қондириш савоб, албатта. Лекин отасининг нархини кўйгандек қилиб сотиш... билмадим бу ҳолатни нима дейиш мумкин.

"Шаффофлигига аминман"

Соат тўртдан ўтиб бўлажак талабалар имтихон залидан чиқиб кела бошлашди. Ҳар бирининг юзига ҳар хил ифода. Кимдир хурсандчилигини ичига сиғдиришга тиржайиб келаяпти, яна кимдир иккиланган қиёфада, кимдир "э, нима бўлса бўлар-да" дегандек хотиржам, яна кимдир "ойижон саволлар қийин экан" дея барча айбни тест саволларига ағдармоқда. Хуллас абитуриентларнинг имтихонга киришидан кўра чиқиси қизиқроқ бўлди. Залдан чиқиб келаётган абитуриентлардан бирини суҳбатга тордик (унинг юзигади қувонч бизни жалб қилди).

Дилдора Бобоқулова, абитуриент:

— Бу йилги имтихон ҳар йилгидан ҳам бошқача бўлди. Уч йилдан бери кириш имтихонларига топшираётган бўлсам, мана шу йил шаффофликка амин бўлдим. Тўғри, шпаргалкаю телефонга ўхшаш нарсалар топилапти, аммо ичкаридаги вазиятни кўриб улардан фойдаланиб бўлмаслигига ишончим комил бўлди. Тест саволлари ҳам мен кутганимдек, Худо хоҳласа талабалик Бахтига муяссар бўламан.

Василобону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муллабири.

CHIROY OCHAYOTGAN MANZILLAR

Президентимиз томонидан жорий йилнинг феврида қабул қилинган “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ҳам салмоқли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, туманнинг дастурга киритилган “Кулолон”, “Ғойибон”, “Шейхон” маҳаллаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари авжига чиққан.

“Кулолон” маҳалласида жами 521 та хонадон бўлиб, ушбу хонадонларда 33 млрд. 478,2 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Утган қисқа муддат ичида 490 та яқка тартибдаги уй-жойларнинг фасад қисмини таъмирлаш, 290 та уйнинг том қисмини алмаштириш, 400 та уйга дарвоза ўрнатиш ишлари бажарилди.

10 км. сув куври тортиб келиниб, янги сув иншооти қурилиши ҳисобига маҳалла аҳлининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Электр таъминотидаги ўзгаришлар ҳам маҳалладошларнинг кўнглидаги гап бўлди. Негаки анча йиллардан бери эскириб кетган симёғочлар, электр тақсимлашдаги узиллишларга сабаб

бўлаётганди. Маҳалладаги хизматини ўтаб бўлган мавжуд симёғочлар ўрнига 125 та таянч устунлар ўрнатилиб, 12,2 км. тармоқ ҳамда 4 та трансформатор янгисига алмаштирилди. Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилди. 250 дона газ баллонлари хонадонларга тарқатилди. Йўл инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш ҳисобига 23 км. йўллар қайта таъмирланди. 100 дона кўча ёриткичлари ўрнатилиб, 3 км. пиёдалар йўлаклари қурилди. 14,5 км. йўлларга эса шағал ётқизиблиб, 2 км. қисми асфальт қилинди.



Маҳаллада ноқонуний қурилган, архитектура ва шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган 22 та нотузар объектлари бўзилиб, савдо ва машииний хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун ажратилган ер майдонларида қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Ижтимоий объектлардан 21-сонли ўрта мактабда капитал таъмирлаш ишлари ҳамда 280 ўринли янги ўқув биносини қуриш 75

фоизга бажарилган. Шунингдек, янгитдан барпо этилаётган 60 ўринли мактабгача таълим муассасасида ҳам иш қизгин суръатларда олиб борилмоқда. Ижтимоий объектларнинг қурилиш бунёдкорлик ишларида пудратчи ташкилот “Қизилтепа қурилиш транс” маъсулияти чекланган жамиятининг муҳир қурувчилари меҳнат қилишяпти.

– Туманимиздаги бунёдкорлик ишлари “Кулолон”, “Шейхон” маҳаллалари қатори

бизнинг маҳалламизда ҳам олиб борилмоқда, – дейди “Ғойибон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қўтлуддин Ҳайдаров. – Бундай ўзгаришлардан фуқароларимиз хурсанд бўлиб, эртанги кунга ишонч билан қараётганликлари юз кўзида акс этиб турибди. Негаки, йиллар давомида маҳалла аҳли яшаш учун шароитнинг оғирлигидан зият чекиб келарди. Кўчаларимиз ўйдим чуқур, қишда лой, ёзда чанг тўзонда мактабга қатнайидиган фарзандларимиз энди капитал таъмирланган билим масканида худди шаҳарникидек шароитда таҳсил олишади. Энг катта му-

аммоларимиздан бири – тоза ичимлик суви масаласи ғойибонликлар, умуман, қизилтепалликларни қийнаб келаётган эди. Тўғриси, оби ҳаётнинг жўмрақдан оқиб тушиши маҳалладошларимизнинг тушидаги орзусидек гап эди. Чунки ҳар бир хонадон сувни сотиб олиб ичишар, ҳовлисида махсус ясалтирилган кудуқлардан сақланадиган сувнинг сифати тезда истеъмолга яроқсиз бўлиб қоларди. Ичимликка яроқсиз бўлган сувдан турли касалликлар келиб чиқиши, ечимини кутаётган муаммоларимиздан бири эди. Минг шукурки, Президентимиз ташаббуслари билан аҳолини соғлом ва бахтли турмуш кечиршига замин яратилмоқда. Бугун келажак авлодни ўйлаб қилинаётган хайрли ишларнинг натижасини яқин йиллар ичида фарзанду набираларимиз камолотида кўришимизга шубҳа йўқ. Ёшларимиз ҳам бундай шароитга жавобан ўзларининг билим ва заковатлари билан юртимиз равақи учун хизмат қиладилар. Нурунийларимиз эса кун сайин чирой очаётган обод қишлоқларимиз, маҳаллаларимиздаги тўй-ҳашамлар, дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги, хонадонларимиздан фойз барака аримаслигини тилаб, дуога қўл очишмоқда.

Дарҳақиқат, бугун обод масканга айланаётган маҳаллалар қатори кун сайин кенгайиб бормоқда. Дастур доирасида бажарилаётган ишлар кўлами – ижтимоий объектларнинг ишга туширилиши, йўл инфратузилмаси, газ тармоғи, электр таъминотидаги янгиланишлар, ичимлик сув муаммосига барҳам бериш, болалар майдончалари ва бошқа кўнгилочар масканларнинг бунёд этилиши халқ манфаати ва фаровонлиги йўлидаги эзуликларнинг дебочасидир.

Чорихон ҚОСИМОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири

“KUTUBXONACHILAR KUNI” BELGILANDI

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти, унинг янада равақ топиши маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқараши юксак инсонлар билан боғлиқ. Албатта маъмур омиллари туб замирида бевосита китоб туради, десак муволаф бўлмайди ва айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Бугун ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини юксалтириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ичида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 июнь кунини қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши мазкур ташаббусда келтирилган китобхонликнинг ҳамда ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда мутолаани аҳамиятини янада мустаҳкамлаб беришга хизмат қилади.

Қарорда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона маркази (АКМ)ларини шакллантириш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида мавжуд бўлган барча ахборот-ресурс марказларини тугатиш вазифаси қўйилди. Янги АКМлар ташкил этилиши натижасида

2020 йилга қадар республиканинг туман ва шаҳарларида аҳолининг 86 фоизини қамраб олиш вазифаси қўзда тутилган. Мавжуд кутубхоналарнинг 10 фоизи яъни, 21 таси ягона маълумотлар интерактив базасига улаш орқали Ўзбекистон ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлигининг яхлит тизимини шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Концепциянинг биринчи босқичида электрон китоблар фондиди 1,2 миллион нусхагача кўпайтириш, 14 та хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, иккинчи босқичда эса 207 та кутубхонасини ягона маълумотлар интерактив базасига улашни яқунлаш орқали Ўзбекистон ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлигининг яхлит тизимини шакллантириш, электрон китоблар фондиди 3,3 миллион нусхагача кўпайтириш ҳамда 21 та хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш каби масалаларнинг ўрин олганлиги китобхонлар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Қарорда яна бир муҳим янгиллик, унда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишини янада такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган аниқ вазифаларнинг белгиланганлиги,

кутубхона соҳасида давлат-хусусий ҳамкорлигини, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармоғини ривожлантиришга эътибор қаратилганидир. Зеро, аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик фаолиятини йўлга қўйиш, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармоғини кенгайтириш, электрон китоблар тарқатишга иxtисослашган интернет-ресурслар билан

Концепциянинг биринчи босқичида электрон китоблар фондиди 1,2 миллион нусхагача кўпайтириш, 14 та хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш

ҳамкорликни кенгайтириш, китоблар фондиди яхши сақланишини таъминлаш каби вазифаларни бажариш орқали кутубхона хизмати фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мумкин. Шу билан бирга, кутубхоналарнинг бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишини кенгайтириш ва хусусий шерикчилик асосида янги хизмат турларини жорий этиш натижасида кутубхоналар фондиди бойитиш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш имконияти яратилади.

Айниқса, электрон китобларни тарқатиш билан шугулланувчи интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш билан ҳам қўллаб-қувватлаш натижаларга эришишимиз мумкин. Фақат олдимизда бу борадаги ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ишлаб чиқиш, қабул қилишимиз


лозим бўлади. Жумладан, республика миқёсида янги нашрдан чиқаётган китоб маҳсулотларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш учун “Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, “Халқаро нашрлар алмашинуви тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири эканлиги ўз аҳдига топган.

Мазкур қарорга мувофиқ кутубхона соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида турдош олий ўқув юртиларига “Кутубхона-ахборот фаолияти” йўналиши бўйича ўқишга қабул квоталари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш юклатилганлиги келажакда соҳамиздаги кадрлар кўнимсизлиги муаммосини бартараф этишга хизмат қилади.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, республикамиздаги 12 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона муассасаларида фаолият олиб бораётган кутубхона ходимларининг азалий орзуси ушларди. Яъни ҳар йили 21 май Кутубхоначилар кунини деб белгиланиб, бунда кутубхоначиларни кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш ўз аксини топганлигини ўқиб бошимиз осмонга етди. Бир сўз билан айтганда, “қасбим менинг ҳақиқий маънода фахримга айланади.

Хафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар «Bilim»
ахборот-кутубхона маркази
директори.

HUNARSIZNING ISHI UNMAS



Умаралининг чўнтагига қўл солган Нодиранинг шашти пасайди. Пулни қандай қилиб етказди?

– Ойи, устозим эртага сочингни калталаб келмасанг, ўзим қайчилаб қўяман, қўзичоққа ўхшаб қолсан, деди. Пул беринг, сочинни калталабти келаман, – деди онасини кузатиб ўтирган Содиқ қўлини чўзиб.

– Кейинги ҳафта бераман, хозир пул камроқ, – деди Нодира Содиққа сабр қил ишорасини қилиб.

– Ўн беш кундан бери шундай дейсиз, устозим эртага ҳамманинг олдида мени изза қилади, – деди йиғламоқчи Содиқ.

– Қанча экан сартарошнинг баҳоси? – Ўн беш минг сўм берсангиз бўлди, ойи.

Нодира Содиққа пулни санаб берар-бермас, катта ўғли Шокирнинг ҳам харажат қопи очилди.

– Мен ҳам кўчага чиққани уялиб кетяпман. Шу кетишда бўлса сочим қизларникига етиб олади, – пичинг қилди Шокир онасига.

– Хўп, сизни бошингиздаги ақлингизни қанчага калталаб қўяди, зоти оийлари.

– Йигирма минг сўм холос. – Бошга қарабми, ёшгами, – деди ўғлига.

– Чўнтакка қараб, ойи. – Намунча қиммат, арзонроқ сартарошга борсанг бўлмайди? Ўша устанинг қайчиси тиллодан эмасми?

– Арзон сартарошхоналарда тозалikka унчалик риоа қилишмайди. Қиммат сартарошлар эса сочини сифатли шампунга ювиб, ҳам бир марталик устарадан фойдаланади.

Нодира пулларни тақсимлаб, ўзига аранг йўл ҳақи олиб қолди. Бир амаллаб ишга етиб олсам, ҳаммасларимдан қарз оларман, деб ўйлади. Ҳар куни шу аҳвол, уйдан даста-даста пул кўчага чиқиб кетади-ю аммо келиш йўқ. Умарали иккала ўғлини ҳам футболга берган. Мактабдан келиб, машгулотларга чопишади. Коптоқни ортидан юрганга юрган. Нодира Умаралига: “Болаларни спортдан ташқари, бирор хунарга берайлик.

“
Менинг ўғилларим майда-чуйда ишларни қилмайди, деб қаршилик кўрсатганди. Мана, ошхонадаги жўмрак бузилганига бир ойдан ошди. Эртадан кечгача чак-чак қилиб сув оқиб ётади. Нодира ошхонадаги сувни ўчириб, хаммомдан фойдаланишга мажбур бўлди. Идиш-товоқларни челақка ювиб, сувини кўчадаги ахлат яшигига тўкиб келади. Қизи бир-икки марта челақни балкондан тўккан экан, биринчи қаватдаги қўшни аёл чиқиб жанжаллашиб, маҳалланинг оқсоқолини етаклаб келди.

Ҳеч бўлмаса уйда электр симини тузатадиган бўлади. Биттасини сантехника берсак, уйдаги жўмракларни тузатиб беради, деб ялинган.

– Сен бўлмагур гапларинг билан болаларни чалғитма. Ҳар ким ўз ишини қилсин. Мени ўғилларим майда-чуйда ишларни қилмайди, деб қаршилик кўрсатганди. Мана, ошхонадаги жўмрак бузилганига бир ойдан ошди. Эртадан кечгача чак-чак қилиб сув оқиб ётади. Нодира ошхонадаги сувни ўчириб, хаммомдан фойдаланишга мажбур бўлди. Идиш-товоқларни челақка ювиб, сувини кўчадаги ахлат яшигига тўкиб келади. Қизи бир-икки марта челақни балкондан тўккан экан, биринчи қаватдаги қўшни аёл чиқиб жанжаллашиб, маҳалланинг оқсоқолини етаклаб келди.

– Синглим олий маълумотли аёلسиз. Учинчи қаватдан сув сепгани уялмадингизми, – деди оқсоқол Нодирани изза қилиб. – Биринчи қаватдаги қўшини дорга осилган кийимлари расво бўлибди. Мана устингиздан ёзма равишда шикоят қилди.

Оқсоқолнинг олдида ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмади. Бошини эгиб узр сўради.

– Нима қилай, шу арзимас ишни

тузатиш эримнинг кўлидан келмайди. Уста чақириш учун эса ортиқча маблағимиз йўқ, – дейишга ор қилди. Умаралининг хурматини маҳалла-кўй олдида туширгиси келмади. Кечқурун қўшнилари чироғи ўчиб, қадам товушлари тинганида Нодира челақ-челақ сувни кўчага ташийди.

Қишнинг чилласи авжига чиққан паллада болаларнинг ётоғига қўшимча иситкич қўйишди. Иситкич ҳам кўпга етмай бузилди. Хоналар совиб, болалари бирин-кетин шамоллаб ётиб қолди. Нодиранинг жони ҳалак, ҳали ишга, ҳали дорихонага югургани юрган. Болаларнинг бирига лимон чой тутса, иккинчисининг томоғига муолажа қилади. Болалари уйкуга кетгач, сув тўла челақларни биринчи қаватга ташийди. Қор ёғиб ерлар музлаган паллада Нодиранинг оёғи сирғалиб, ерга чалқанча йиқилди. Товонининг пойи узилган экан, ўн беш кун ишга чиқолмай уйда ётди. Ўғиллари челақдаги сувни ташш учун навбат қилиб олишди. Тавба, машгулотдан чарчаб келиб сув ташийди-ю лекин кўлига бирорта асбоб олиб, анави жўмрак ўлгурни тузатишга ҳеч қайси бирининг ақли етмайди. Нодира ўғилларини кузатиб, кўксига муштлаб инграб қўяди. Ахир эскилар йигит кишига етмиш хунар оз, деб бежиз айтишмаган. Ҳозирги йигитларга битта хунар ҳам кўплик қилаётганга ўхшайди. Бу болалар вақтини хунар ўрганишга сарфлагандан кўра whatsapp, facebookда ўтириш қизиқроқ. Қайси санъаткор эридан ажрашибди. Қайси машҳур хонандалар бир-бирлари билан уришиб қолибди. Шуларни муҳокама қилган яхшироқда улар учун...

Буниси ҳам ҳолва экан. Телевизорнинг тоқ улагичдан ўт чиқиб, электр ўлгачиқ ўчиб қолди. Қани энди на отани, на ўғилларнинг шу матоҳни кўргани ақллари етса. Уч кун шам ёруғида ўтиришди. Шаҳарнинг қоқ марказида шам ёқиб ўтириш Нодирага алам қилди. Электр тузатадиган устани чақирганди, иккита узилган симни улаб қўйиш учун фалон сўм пул сўради. Умарали эрталаб ишга чиқиб кетиб, кеч қайтади. Футбол бор кунлари баҳона қилиб ишхонада ётиб

қоладиган бўлди. Яхшиям бахтига газ пориллаб ёниб туради. Бўлмаса...

Бу муаммолар фақат Нодиранинг хонадонидан эмас, ҳаммаси Фароғат опанинг ҳам бу борада фиғони фалқда экан. Тушлиқда Нодиранинг сўзларини эшитган она ҳам дийдесини бошлаб қолди.

– Ўғлим Шўҳрат 29 ёшга кирди. Оилали, бир ўғил, бир қизчаси бор. Иккита тилни билади, олий маълумотли. Эрталаб ишга кетиб, кечқурун қайтади. Дам олиш кунлари телевизор ёнини бўшатмайди. Уйдаги шкафларнинг эшикларини ланг очиб туради. Чунки ёпилмайди. Деразаларнинг ойналари ҳам синган, совуқ кирмасин деб, ўзим клёнка қоқиб қўйганман. Ҳожатхона эшигидаги тутқичнинг биттагина михини қотириб қўйиш учун ҳам бош қотириш керакмиш... Охири ўзим мих қоқиб, ип билан боғланадиган қилиб қўйдим. Қўшнимизнинг ўғилларига ҳавасим келади. Уччасини ҳам ёшлиқдан устага шогирд қилиб беришган. Уччала ўғли ҳам ўз қўли билан уй қуриб олди. Бизникиларга қачон алоҳида уй олиб берсак, кейин рўзгорини бўлак қилармишимиз. Ҳамма айб ўзимизда. Устага берсак қўлига болга тегиб кетади дедик. Электр тузатадиган тўғаракка борса, тўк уради, деб кўрдик. Ўғил болани ёшлиқдан аямая меҳнатга солиш керак экан.

Ҳаммасининг сўзларидан кейин Нодира бирор чора излаб топмаса бўлмаслигини сездди. Боши қотиб юрган кунлари жияни меҳмонга келиб қолди. Шавкат қўлига асбоб ускуналарни олиб, аммасининг уйдаги бузилган нарсаларни тузатиб берди. Аммо бу зайлда яшаб бўлмайди. Эртага газ ҳам ўчиб қолса нима қилади. Умаралининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай катта ўғлини ёнига олиб, сартарошхонага йўл олди.

– Ўғилларингни шогирдликка беришга кеч қолдинг. Энди ҳеч нарсани ўргана олмайди. Буларнинг эти қотиб қолди, – деди газета ўқиб ўтирган Умарали.

– Майли, нима бўлса бўлар. Эти қотганми, бети қотганми, қийналиб-қийналиб ўрганади. Ҳеч бўлмаса ўзининг болаларининг сочинини ўзи калталаб қўяди. Шу иш учун ҳам пул сарфлаб ўтирмайди. Машгулотлардан бўш вақтларини бекорчи нарсаларга сарфлашмайди.

Нодира машидан чегириб, ўғлига сартарошлиқда керак бўладиган асбобларни олиб берди. Уч ойдан сўнг Шокир қариндошларнинг болаларини сочларини ўзи қайчилаб қўядиган бўлди.

Содиқни телефон тузатадиган устага берганди у ҳам бинойидек қўли келиб қолди. Дадасининг телефони овози чикмай, музлаткичнинг устида ётганди. Устага олиб борса, отасининг нархини айтибди. Содиқ бозордан перакли эҳтиёт қисмларни арзиман пулга сотиб олиб, телефони жаранглаб овози чиқадиган қилиб берди.

– Ойиси, бу телефони овози сизникидан ҳам жарангдорроқ бўлиб қолибди, – дейди ўғлининг ишидан суянон Умарали.

– Нимасини айтасиз, дадаси. Содиқжон кўни-қўшнилари ҳам ҳожатини чиқариб, дуо оляпти. Ўғилларингиз бинойидек хунар эгаси бўлиб қолишди. Энди навбат сизга...

Ўз ҳазилидан ўзи завқланган Нодира жиймайганича ошхона томон йўл олди.

Нигора РАҲМОНОВА

NEGA, AVVAL TA'LIM, SO'NGRA TARBIVYA?!

Турмуш тажрибаси оила ва мактаб ёхуд, мактаб ва маҳалла-кўй тарбияси ўртасида доимо уйғунлик бўлиши, бири-бирини тўлдириши зарурлигини кўрсатади. Башарти, ота-она бугун уйда фарзандига салом фарзини ўргатса, айна маҳал мактабда ҳам айнан шундай сабоққа урғу берилса, унинг акс-садоси маҳалла-кўй, тўймаъракаларда яққол намоён бўлади-ку.

Нега, "таълим-тарбия" жуфт жумласида аввал, таълим айтилади? Чунки аввало она илми бўлса фарзандлар илми, тарбияли, маънавиятли бўлиши, шубҳасиз. Тарихий манбаларга эътибор қаратсангиз келин танлашда ақл-фаросатидан ташқари бўлажак келиннинг илмига ҳам эътибор қаратилган. Бинобарин, келин шу сулола давомчиси бўлмиш авлодни дунёга келтириш учун дастлаб одоб илми, фарзандлик илми, илк мутолаа илми билан шугулланган. Ҳозирги замонда ҳам бола илк тили қиқиб сўзларни ҳижжалаб айтишни бошлагандан тўғри талаффуз қилишга ўргатиш ҳам аслида илмдир. Боғча даврида шеърларни ўрганиш, илк ҳарф элементларни ёзишга иштиёқ булар барчаси онанинг зиммасида. Илми бўлмаган оналарнинг фарзандларида дарсда ўтириш кўникмаси, билимни қабул қилиш ёки китоб ўқиш, дарс тайёрлаш жараёнлари ҳам кўнгилдагидек кечмайди. Ва бу ўз-ўзидан аёнки боланинг келажаги, ҳаётда муносиб ўрин топишида салбий таъсирини ўтказида.



Бугун ажрим ёқасига келиб қолган, ажрашиш учун судга ариза берган эр-хотинлар ўртада туғилган фарзандлари таълим-тарбияси аросатда қолаётганини, улар ўзини бахтсиз ҳис этишаётганини вақтида англаб етишмайди. Лекин бу ҳолат йиллар ўтиб ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

қўйиб уларни тартибга қақиради гўё... Баъзан жазолайди. Бу тарбиянинг нечоғлик таъсирли эканлигидан далолат беради. Аста-секин мактаб жараёни бошланади. Бунда ҳам аксарият болалар учун ўқитувчининг гапи қонундек бўлади. Ўқитувчи айтди, таном, демак унинг ижроси таъминланиши керак. Аммо оилавий маънавий муҳитида нуқсон бўлган болалар, яъни отаси ичкиликка ружу қўйган ёки онаси хорихда бўлган ўқувчилар руҳиятида тушқунлик, баъзиларида кўрслик ҳолатлари кузатилади. Чунки улар бошқа тенгқурларидан фарқланишини, аввало ўзлари ҳис этишади. Уйда тинчлик бўлмаган ёки ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд бўлган ўқувчи дарсларни ўзлаштиришда қийналгани каби тарбиясида ҳам

эр-хотинлар ўртада туғилган фарзандлари таълим-тарбияси аросатда қолаётганини, улар ўзини бахтсиз ҳис этишаётганини вақтида англаб етишмайди. Лекин бу ҳолат йиллар ўтиб ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шуни очиқ эътироф этиш зарурки, инсон чинакам ва ҳақиқий тарбияни дастлаб оилада олади, камол топади ва бутун умри мобайнида мазкур даргоҳда онг-шуурига синган туйғулар қанотида яшайди. "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақл бежиз айтилмаган. Шундан ҳам аёнки, оила – чиндан ҳам тарбия ўчоғи.

Ёш авлод онгига содир бўлаётган кескин ўзгаришлар, одамлар турмуш тарзининг юксалиши каби ҳолатлар таълим-тарбияга ҳар қачонгидан кўра жиддий назар билан қараш заруратини юзага келтиряпти.

Тарбия даражаси ва унинг самара-натижалари оила кўргони мустақамлиги, у ердаги маънавий муҳитнинг соғломлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аҳил ва баҳамжиҳат хонадонда ҳар жиҳатдан мукамал, комил, солиҳ амалли фарзандлар ўсиб улғаяди. Бундай болалар, албатта, миллат келажаги, жамият эртасини таъминлайдиган инсонлар бўлишади.

Аҳил ва иноқ оилаларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш, шу юздан турли анжуманлар, ўқув машғулотлари, учрашув ва мулоқотларни, фаолларнинг, нотиқ ва мўрт, зарур ҳолларда эса мустақам ва барқарор оилаларга вақти-вақти билан таширини уюштириш ҳам тарбиянинг алоҳида муҳим қиррасини ташкил этади.

"Оила институтини мустақамлаш концепцияси"нинг 4-бобида Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустақамлаш, жамиятда аънавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш масаласи алоҳида белгилаб қўйилиши бежизга эмас, албатта.

Ёш авлодда маънавий-ахлоқий,

одоб кадриятларни ва ота-онага ҳамда катта ёшдаги инсонларга ҳурматни шакллантириш, оиланинг тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятини ошириш ўсиб келаётган фарзандларимиз қалбда меҳр-қибат, инсонпарварлик, силайи-рахм каби туйғуларни шакллантиради. Яна бир жиҳати оиланинг бирдамлигини мустақамлашга, оилада авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани сақлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган оилавий аънавларни ривожлантириш йўлида хизмат қилади.

Концепцияда таъкидланганидек, ота-оналари ёки васийлари фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган вояга етмаган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, руҳий қўллаб-қувватлаш тизим ва механизмлари самарадорлигини ошириш лозим.

Оилаларда ички оилавий ва шахсий муносабатларни, хусусан ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, оилада можароли ва огир турмуш шароитини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш мақсадида бугунги кунда худудларда иш олиб бораётган "Бўлғуси келин-куёвлар" инновацион мактаблари фаолияти ўз самарасини бермоқда. Бунга ёшлар билан ўтказилган сурвномалар натижаларида ҳам кўриш мумкин. Асосийси, инновацион мактабларнинг моддий техник базаси мустақамланиб бораётганлиги таҳсинга лойиқ. Оила қуриш остонасида турган ёшлар, оила маънавияти, оила бюджети, диний ва дунёвий билимлар уйғунлиги, психология соҳаларининг тажрибали мутахассислари томонидан ўтказилаётган тренинг ва машғулотлар нафақат иштирокчи ёшларда, балки ота-оналар ва қайнона-қайноталарда ҳам қизиқиш уйғотаётгани бу жараён бардавом бўлиши кераклигини кўрсатади.

Оила марказлари, таълим масканлари бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда оилавий нотиқлик, болаларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги, шунингдек, болалар орасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга доир тегишли чора-тадбирлар дастурларини белгиланиб амалда тадбиқ этилиши, ўсмирлар, ёшлар, ёш ота-оналар билан уларнинг билим даражасини ошириш ва ибратли ота-оналик кўникмаларини шакллантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш даврнинг долзарб масаласига айланади.

Таълим ва тарбиядаги уйғунлик, аввало маънан комил, салоҳиятли, оиласи қадрини биладиган, илми кадрлайдиган изланувчан ва ташаббускор, бунёдкорлик гоҳларини илгари сурадиган авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Моҳира ШАКАРОВА,
"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилоят бошқармаси ҳузурдаги махсус ўқув курслари бош мутахассиси.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 232-умумтаълим мактаби томонидан 1987 йилда Ильясова Муҳаббат Шарахимовага берилган рўйхат рақами №70, Д N318329 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Инсоннинг комил шахс бўлиб вояга етиши жараёнида таълим ва тарбиядаги узвийлик муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётини кузатувларга эътибор қаратадиган бўлсангиз, боғчага қатнайдиган бола ўз-ўзидан уйга қайтганида тарбиячининг хатти-ҳаракатларини такрорлайди. Қўғирчоқларини бир жойга тизиб

кемтиклик пайдо бўла бошлайди. Ота-онаси ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, бувиси ва онаси ўртасидаги келишмовчиликлар, амаки ённки амма-холалар ўртасидаги айрим муаммолар ҳам бола тарбиясига салбий таъсир ўтказида.

Бугун ажрим ёқасига келиб қолган, ажрашиш учун судга ариза берган

SEMIIZLIK DAN

qutulish mumkinmi?

Бугунги кунда кўпчиликни мушкул вазиятларга солиб қўяётган семизлик муаммоси долзарб масалага айланиб улгурди. Дунё аҳолисининг қарийб 60 фоиздан кўпроғини шу муаммо қийнаб келмоқда. Уни бартараф этиш, яъни ортиқча вазндан халос бўлиш учун кўплаб дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам борки, бу воситалар ҳаммага ҳам бирдек таъсир қилавермайди. Керагидан ортиқ вазнга эга бўлганлар эса жарроҳлик амалиётисиз ортиқча вазндан халос бўлолмайди. Келлинг, суҳбатимизни малакали жарроҳ Арслон Бердиев билан давом эттирамиз.

— Арслон ака, ортиқча вазндан халос бўлиш учун кундалик ҳаётимизда нималарга эътибор беришимиз зарур?

— Ортиқча вазн кўпчиликни ташвишга солаётган муаммолардан бири десак, янглишмаймиз. Ундан халос бўлиш учун ҳар хил парҳезлар, махсус спорт машғулотлари, ноодатий тиббий муолажалар, турли препаратлар, иштахани бўғиш усулларидан фойдаланаётганлар, ҳатто, руҳшунно хизматига ҳам мурожаат қилаётганлар бор орамизда. Ортиқча вазн соғлиққа жиддий зиён етказганида эса шифокорлар жарроҳлик амалиётига мурожаат этишни тавсия қилишлари мумкин.

— Озишга ҳаракат қилаётган киши камроқ овқатланишни, кўпроқ жисмоний машқлар билан шугулланишни ва турли парҳезлар қилишига қарамасдан, кўпинча мақсадига етишмайди. Нега?

— Демак, сиз айтиб ўтган амалларни керак бўлган ҳолларда бажаришди. Батафсил тўхталагидан бўлсак:

* Пресс қилишимизнинг фойдаси йўқ, чунки танамизнинг айрим жойларини оздиришнинг иложи йўқ, қориннинг ўзи озиб қолмайди, озиш учун бутун танамиз озиши керак.

* Озиш учун парҳез тутиш, озаман деб бошқа бир касалликни келтириб чиқариши мумкин. Ҳамма нарсада меъёр бўлгани маъқул. Ҳўл меваларни кўп истеъмол қилинг. Гўшт семиртиради, деган фикрни миянгиздан чиқариб ташланг, гўштни одам организми учун фойдаси кўп. Парҳезнинг кундалик калория ҳажми 1200 ккал дан паст бўлса, парҳез тутиб, ҳеч қачон озмайсиз. Парҳез вақтинчалик натижа беради, холос.

* Кўпчилик бекаларимиз фойдали машқлар қилмай, кунлик уй йомушларини ўзи менга етарли деб санашади, лекин бу хато! Уйда қилинадиган машғулотлардан бири оёқларни ёйган ҳолда ўтириб туриш, вақтингиз бўлди дегунча гугурт қутисидagi доналарини ерга ёйиб, оёқни букмаган ҳолда битта-битта эгилиб туриб, қутисига жойлаштиришга ҳаракат қилинг, бу қоринни йўқотишга фойда беради.

* "Овқат емаслик керак!", деган хаёл семиришга олиб келади. Озиш учун муҳими, кун мобайнидаги оксил, углевод ва ёлларнинг балансиدير.

* Семиришнинг энг асосий сабаби, бу бугунги кундаги тез пишар (фаст-фуд) таомлардир. Вақтимизни те-

жаймиз деб, қандай семираётганимизни билмаймиз. Тез тайёр бўладиган лапша, лаваш, ход-дог, гамбургерларнинг мазаси яхши бўлиши учун солинадиган сунъий қўшимчалар (E200дан E 640гача натрий глютамат) семиртирибгина қолмай, келажада саратон касаллигини ҳам келтириб чиқаради. Coca-Cola ва шунга ўхшаш газли ичимликлар ҳам семиришни тезлаштиради.

* "Қонимда бор", "Авлод шунақа", каби иборалар эринчқларнинг гапи. Сизнинг семиришингизга фақат еяётган овқатингиз сабабчи. Йўғон суяклик, генетик мойиллик, оғир иш каби далиллар алдамчидир. Тўғри овқатланиш тамойилига амал қилинса, ҳеч ким семирмайди.

— Демак, юқоридagi усуллар ёрдам бермаган ҳолларда жарроҳга мурожаат қилишимиз керак. Бу жарроҳлик амалиёти нима деб аталади?

— Бу амалиётни тиббиётда Бариатрия деб атаймиз. Бариатрия бу — семизлик муаммосига жарроҳларнинг аралашуви билан кечувчи жараён. Амалиёт жарроҳлар ҳамда эндокринологларнинг қатъий кўрсатмалари асосида амалга оширилади.

— Ҳўш, бу тиниб-тинчиман жарроҳлар қандай йўл билан бизни муаммодан халос этишадилар?

Бу амалиётни турли усулларда амалга оширса бўлади. Масалан:

* Ошқозонни қисман боғлаш (бандажлаш);

* ошқозонга шунт қўйиш (на й ч а ўрнатиш);

* билиопанкреатик шунт қўйиш;

* гастропластиканинг турли кўринишлари;
* ошқозоничи баллони ёрдамида.

— Асосан бариатрия қандай беморларга, яъни кимларга буюрилади?

— Агар беморда куйидаги белгилар кузатилса, бариатрияга кўрсатма берилиши мумкин:

1. Тана вазни индекси 35 ва ундан юқори бўлса (махсус жадвалга қаралади).

2. Вазн ошишига сабаб бўлувчи касалликлар мавжуд бўлса.

3. Терапевтик муолажа усулларига нисбатан рефрактерлик (салбий таъсир) кузатилса.

— Жарроҳлик амалиётининг турлари ҳақида гапириб ўтдингиз, уларни қандай фарқлаш мумкин?

— Бариатрик жарроҳликни 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Рестриктив жарроҳлик — ошқозон-ичак трактининг юқори соҳасини қисқартириш йўли билан камроқ таом тановул қилишга кўмаклашиш (ошқозоничи баллони, ошқозонни бандажлаш).

2. Ошқозон-ичак трактида вазни оширувчи моддаларнинг кам сўрилишини таъминловчи жарроҳлик амалиёти тури (билиопанкреатик шунт қўйиш).

3. Аралаш жарроҳлик — бунда бирварақайга ҳар усулга мурожаат қилиниши мумкин.

— Жарроҳлик амалиётини ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ҳам мавжудми?

— Жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Булар:

1. Тана оғирлиги индекси 35 дан кам бўлса;

2. Ҳомиладорлик ва эмизиш даври;

3. Анамнез ҳолатидаги рухий касалликлар;

4. Мурожаат даврига қадар, 6 ой давомида ўтказилган юрак ишеми касалликларининг оғир шакли.

Адаштирманг, липосакция бошқа нарса!

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, липосакция ва абдоминопластика бариатрик жарроҳлик тури ҳисобланмайди.

— Шу муаммо билан

оғриган беморларга қайси усулда жарроҳлик ўтказишни маслаҳат берган бўлардингиз?

— Бандажлашда ошқозоннинг юқори қисми сиқилади ва думалоқ силикон боғлам кийдирилади. Бу анчайин хавфсиз ва тезкор усул бўлиб, ортиқча вазнинг 50-60 фоизга камайишига олиб келади.

Нокли гастропластикада ошқозоннинг каттагина қисми олиб ташланади. Қолган бўлагидан эса диаметри 1 см.ли найча ўрнатилади. Бунда овқат ошқозонга жуда кам миқдорда тушади.

Шунт қўйилганида эса ошқозон икки қисмга ажралиб қолади. Кичкина қисмининг ҳажми 50 мл.ни ташкил этади. Натижада, бемор жуда кам миқдорда таом истеъмол қилишга одатланади. Қолаверса, озиқ моддалар кам миқдорда сўрилади. Шунт қўйиш муаммонгизни 80 фоизгача камайтиради.

Билиопанкреатик шунт қўйишда қисқичлар ёрдамига мурожаат қилинади. Бунда кичрайтирилган бўлмага ингичка ичак бирлаштирилади. Бу усулнинг

оддий шунтлашдан асосий фарқи ошқозон бўлмаси ҳажми 50 мл. эмас, 200 мл.ни ташкил этиб, ингичка ичак йўли қисқартирилади ва 50 см.га яқин узунликда қолдирилади. Озиқ моддалар жуда кам миқдорда сўрилгани боис 90 фоизлик натижага эришишингиз мумкин.

— Амалиёт ўтказилгач, нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Гастро ва билиопанкреатик шунт қўйилганидан сўнг ҳаёт учун муҳим саналган В гуруҳи витаминлари, фолат кислотаси, темир, кальций ва микронутриентлар истеъмоли етарли даражада бўлишини назорат қилиш лозим. Амалиётдан кейин махсус парҳез, кундалик энгил жисмоний машқларни бажариш, доимий шифокор назоратида бўлиш талаб этилади.

Лобар
ҚАНДАҲАРОВА
ёзиб олди.

RIYO QALB XASTALIGIDIR

Қадимда бир олим шогирдларига турли илмларни ўргатар экан. Бир куни уларга топшириқ берибди: “Эртанги дарсга менга жаннат тупроғидан бир ҳовучдан олиб келинглар”. Шогирдлар ҳайрону лол бўлишибди, ҳар қанча уринишмасин бу саволга жавоб топишолмабди. Фақат илмли, зукко, ибодатларга қоим бўлган, меҳрибон бир шогирди эртасига латтага ўралган бир ҳовуч тупроқни устози олдига қўйибди. Олим бунинг изоҳини сўрабди. Шунда шогирд дебди: «Сиз менга пайгамбаримиз (с.а.в.) айтган бир ҳадисни ўргатган эдингиз: «Жаннат оналар оёғи остидадир». Шунинг учун мен меҳрибон онам оёқ излари босилган тупроқдан сизга олиб келдим. Берган топширигингизга жавобим шу». Олим шогирдининг ақл-заковатига тан бериб, уни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган экан.

Албатта, бу воқеада тафаккур қилганлар учун жуда катта ибрат бор. Ортиқча изоҳга, таърифу тавсифга ҳожат йўқ. Тафаккур қилмаганларга-чи?..

Сўнги пайтларда оналарига бўлган меҳру муҳаббати изҳорини видеога олиб, телеграмм каналига жойлаш одатга кирди. Аслида бу анъана уч-тўрт йил аввал кавказ халқларида бошланган эди. Кейинроқ улоқни биз олиб кетдик: оналаримизни ҳурмат қилишда, бошимизга қўйишда сизлардан кам эмасмиз, деган ибора бизга таскин берди. Кимдир онасининг туғилган кунда кўшиқ айтиб табрикляпти, кимдир нафақат оёқ-қўлини, бошини ҳам мустақил тутиб туролмайдиган фалаж онасини уринтириб кўтарганча ҳовлига олиб чиқиб, стулга ўтиргизяпти. Яна кимдир... Худди шу мавзуда телеграммда яқиндагина тарқалган видео эса ҳаммасидан ошиб тушибди.


Онанинг туғилган куни бўлса керак стол атрофида аёллар ўтиришибди. Қўшиқчи йигит гитара чертганча оналарни мадҳ этяпти: «Менинг бойлигим, энг чиройлигим, меҳрибоним онажонимсиз...»

Бир йигит онасининг пойига тиз чўкиб оёқларини ювяпти. Она бахтдан масрур, ҳаяжонда... Шунда кутилмаган ҳолат юз берди. Йигит онасининг оёқларини ювиб бўлгач, ўрнидан турди ва оёқлар ювилган идишдаги нолок сувни ичиб юборди, қолганига юз-кўзларини чайди. Сўнг онасининг елкаларидан кучиб, юзларидан ўпиб анча йиғлади...

Ғалати бўлиб кетдим. Онанинг оёқларини ювиб қўйишни тушунса бўлар, лекин нолок сувни ичиш шартмиди? Йигит бу билан нимани исботламоқчи? Жаннат оналарнинг оёқлари остида бўлса, демак, оналарнинг оёқлари

ювилган сув ҳам муқаддас бўлиб қолади, демоқчими? Агар шундай ўйласа, бу илмсизлик, омилиқдан бошқа нарса эмас-ку. Омилиқ эса жаҳолатнинг бошланishi. Унинг бу «ўзига хос меҳрумуҳаббати»дан таъсирланганлар, ҳатто қойил қолганлар ҳам бўлгандир эҳтимол. Ҳамма гап аслида ана шунда. Ҳадисларни, оятларни ўзича талқин қилиш ва буни оммага тарқатиш кўпчиликини, айниқса, диндан унча хабардор бўлмаган ёшларни чалкаштириб қўйиши турган гап. Оналар муқаддас экан, уларнинг оёқлари ювилган сувни

Ғалати бўлиб кетдим. Онанинг оёқларини ювиб қўйишни тушунса бўлар, лекин нолок сувни ичиш шартмиди? Йигит бу билан нимани исботламоқчи? Жаннат оналарнинг оёқлари остида бўлса, демак, оналарнинг оёқлари ювилган сув ҳам муқаддас бўлиб қолади, демоқчими?



ги ҳам маънавий покликдан келиб чиқади. Ҳақиқий поклик – ҳам моддий, ҳам маънавий покликнинг қандай бўлишини эса бизга муқаддас Ислому динимиз ўргатади. Зеро, Исломининг ўзи поклик асосида бунёд бўлгандир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, йигитнинг оёқлар ювилган сувни ичиши мантиқсизлик бўлиши билан бирга покликка ҳам зид амалдир. Зеро, динимиз бизни нафақат нолок ёки ҳаром, балки шубҳали нарсаларни ҳам еб-ичишдан қайтаради.

Шу каби тасвирларда яна бир ёмон кусуримизни кўргандек бўламан: риёкорлик. Аввало, ҳар кимнинг онаси ўзига азиз, ҳар ким онасини ўзича ардоқлайди. Лекин, кўриб қўйинглар, мен онамни яхши кўраман, мана оёқларини ҳам ювяпман, мендан меҳрибон фарзанд йўқ, қабилда иш тутиб, меҳрибончилигини оммага кўз-кўзлаш риёкорликдан бошқа нарса эмас. Динимиз эса риёкорликдан сақланишга чақиради.

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталиқларининг бири риёдир. «Риё» сўзи кўз билан кўриш, назар солиш ва одамлар кўрсин маъноларини аңлатади. «Риё» яхшиликни бошқалар кўрсин учун қилишдир. Унда ҳолис ният ва иҳлос бўлмайди». «Риё одамлар кўриб, эгасини макташлари учун ибодатни изҳор қилишдир», дея таърифланади китобларда. Бу билан таваллуд қилнарини, оилавий тадбирларни тасвирга олиш керакмас демоқчимасман, керак, гузал хотиралардан эсдалик улар. Фақат бу анъаналар оилавий бўлиб қолиши керак, бошқаларга улашиш энди ортиқча.

Зеро, барчамиз оналаримизни бошга кўтаришга, уларга ҳамиша шафқатли, хокисор бўлишга, хизматларида бўлишга буюрилганмиз. Фақат бу буйруқни чин дилдан, самимий, Аллоҳ хотирлиги учун амалга оширайлик. Оналаримизни риёкорлик нишонига айлантirmайлик!

Усмонжон Йўлдошев,
журналист.

Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Боалар ва оналарни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Боалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 836. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2208. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш ваёти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи:
Мусаҳҳаҳ:
Саҳифаловчи:

Б. Исмоилов
С. Сайдалимов
А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5